

МАҲКУМЛАРНИНГ ПРОЦЕСУАЛ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

¹Аҳмедов Фарҳод Сайдалиевич

Махсус фанлар цикли ўқитувчилари подполковник,

²Меликулов Нуржов Латифович

Подполковник + 99899 000 67 14,

+ 99893 117 11 33

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7569250>

Аннотация: Мазкур мақолада маҳкумларнинг процесуал ҳуқуқларини таъминлаш, жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари доирасини кенгайтириш, ёпиқ турдаги муассасаларида сақланаётган шахсларнинг яқин қариндошлари билан телефон сўзлашувлари, учрашувлари ва жўнатма қабул қилишлари, жамоат таъсирини самарадорлигини ошириш, яшаш шароитларини яхшилаш, жиноятчиликка эмас, балки унинг сабабларига қарши курашиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш борасида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ёритилиб, фаолиятига таъллуқли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: Жазони ижро этиш муассасаси, жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, жиноятни олдини олиш, профилактика, маҳкум, колония, турма, имплементация, транзит, участка, режим, қотиллик, ички ишлар органлари, ёшлар иттифоқи, хотин-қизлар.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ички ишлар органлари соҳасида, хусусан, жазони ижро этиш тизимида ҳам аниқ манзилли ёндошувга асосланган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Мазкур тизим фаолиятини янада такомиллаштириш, жазо муддатини ўтаётган шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари доирасини кенгайтириш, яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ички ишлар органлари аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, шунингдек бошқа ҳаётий муҳим вазифаларни амалга оширишда алоҳида ўрин эгаллайди. Мустақиллик йилларида ички ишлар органларини жазоловчи, назорат қилувчи органдан халқ, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қиладиган тузилмага айлантириш бўйича самарали ишлар амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида олиб борилган тизимли чора-тадбирлар якуни бўйича жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида муайян натижаларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 март кунидаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кутариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 6196-сон Фармонида асосан, Жазони ижро этиш департаменти тизимида минтақавий мувофиқлаштириш марказлари томонидан тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида ҳам аниқ манзилли ёндашувга асосланган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда[1]. Мазкур тизим фаолиятини янада такомиллаштириш, жазо муддатини ўтаётган шахслар ҳуқуқлари ва

қонуний манфаатлари доирасини кенгайтириш, яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Жазони ижро этиш муассасаларида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларнинг таъминоти ва уларни меҳнатга жалб этиш тартибини яхши ташкил этиш, уларга нисбатан қўлланиладиган ахлоқан тузатишнинг асосий воситалари жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби (режими), ижтимоий-фойдали меҳнат, тарбиявий иш, умумий ва ҳунар таълими, касб тайёргарлиги ва жамоат таъсирини самарадорлигини ошириш шартларидан бири ҳисобланади. [2]

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини самарали ташкил этишда ижтимоий фойдали меҳнатнинг роли ва аҳамиятига жиддий эътибор қаратишни талаб қилади. Шунингдек, ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида, маҳкумлар ва қamoққа олинган шахсларнинг ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишини, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилинишини таъминлаш, ходимларнинг хизмат вазифаларини лозим даражада бажарилиши устидан назоратни коррупция ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳолатларини истисно этадиган тарзда кучайтирилди.

Маҳкумларда қонун талабларига ва жамиятдаги хулқ-атвор қоидаларига риоя этиш маданиятини, билим ва маънавий-ахлоқий савиясини оширишга интилишни шакллантиришга қаратилган қайта тарбиялаш ва ахлоқан тузатиш жараёнини такомиллаштириш, меҳнат бозорида талабга эга бўлган касблар бўйича асосий ҳунар ва умумтаълим дастурларини амалга ошириш доирасида маҳкумларни, хусусан вояга етмаган ва маълумотга эга бўлмаганларни ўқитиш сифатини ошириш, маҳкумларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уларни иш билан таъминлаш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларининг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш, шу жумладан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, қўйилган вазифаларни самарали бажаришни, маҳкумлар ва қamoққа олинган шахсларга қулай шароитлар яратишни назарда тутувчи ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усулларини, ахборот-коммуникация технологияларини фаолиятда кенг қўллаш, маҳкумлар, биринчи навбатда, вояга етмаганлар ва ёшларнинг таълим олиши, касбий тайёргарлигини ташкил этиш ҳамда бандлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. [3]

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 28 август кундаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 558-сон Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун Қонунчилик палатаси томонидан томонидан 2019 йил 17 августда қабул қилинган, Сенат томонидан 2019 йил 24 августда маъқулланган. Ушбу қонунга асосан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига, “Жиноят ишини юритиш чоғида қamoқда сақлаш тўғрисида”ги, “Давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунларга бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, улар маҳкумларнинг ҳуқуқларини кенгайтирди.

Жумладан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ҳамда унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга илк маротаба сайлаш ҳуқуқи берилди;

- БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Маҳкумлар билан муомила қилишнинг минимал стандартлари қоидалари” қонунчилигимизга имплементация қилинди;
- озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг руҳий ҳолати бузилган вақтда содир этилган тартиббузарлиги учун интизомий жазо чоралари қўлланилмаслиги кафолатланди;
- шошилиш тиббий ёрдамга муҳтож шахсларни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг худудий муассасаларига жойлаштириш қонунан мустаҳкамланди;
- манзил колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза бевосита манзил-колония жойлашган ердаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига бериладиган бўлди;
- манзил колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга пенсиялар тўлаш манзил-колония жойлашган ердаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тегишли пенсиялар суммаларини маҳкумларнинг шахсий ҳисоб варақларига ўтказиш орқали амалга ошириладиган бўлди;
- вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғига, хавфсизлигига ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш - энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, —энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгилаб қўйилди;
- вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш, - энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, - энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади;
- жазони ўташ жойига бораётган ёки бир жазони ижро этиш муассасасидан бошқа жазони ижро этиш муассасасига кўчириладиган маҳкумларни вақтинча сақлаш учун жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналари ҳузурида транзит-жўнатиш участкалари ташкил этилди;
- маҳкумлар транзит-жўнатиш участкаларида режимининг тури суд ҳукми билан белгиланган жазони ижро этиш муассасасида ўзининг жазони ўташига оид шартлар асосида жўнатиладиган бўлди. Маҳкумларни транзит-жўнатиш участкаларида сақлашнинг энг кўп муддати кўпи билан 20 суткани ташкил этилиши белгилаб қўйилди;
- маҳкумларнинг жазо муддатини ўташ давомида шахсий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чоралар кенгайтирилди;
- адолатли мезонлар асосида маҳкумларга рағбатлантириш чораларини қўллашни алоҳида тартиби белгиланди. Бу борада жазони ижро этиш муассасаларида

жамоатчилик вакиллари, Омбудсман, ҳалқ депутатлари ҳудудий кенгашларидан иборат махсус Комиссиялар фаолияти йўлга қўйилди.

- маҳкумларни тарбиялашда уларнинг ота-оналари роли кучайтирилиб, вояга етмаган маҳкумларнинг ота-оналари билан учрашувларига нисбатан чекловлар олиб ташланди;

- маҳкума аёлларнинг болалар уйида тарбияланаётган вояга етмаган фарзандлари билан учрашувларининг алоҳида тартиби жорий этилди.

Жазони ижро этиш тизими фаолиятида махфий ҳисобланган айрим маълумотлар очиқ маълумотлар рўйхатига киритилди.

Маҳкумнинг овқат ейишни рад этганлиги факти аниқланганда муассаса бошлиғи ёхуд унинг ўрнини босувчи шахс бу ҳақда зудлик билан прокурорни хабардор қилиши қонунан белгилаб қўйилди.

Овқат ейишни рад этадиган маҳкум имкон қадар бошқа маҳкумлардан алоҳида сақланади ва тиббиёт ходимининг кузатуви остида бўлади.

Овқат ейишни рад этган маҳкумнинг соғлиғини сақлаб туришга қаратилган мажбурлов йўсинидаги (сунъий ва мажбурий овқатлантириш тарзидаги) чоралар, агар унинг ҳаётига ёки соғлиғига хавф таҳдид солса, шифокорнинг ёзма хулосаси асосида ҳамда тиббиёт ходими ҳозирлигида амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Маҳкумлар овқат ейишни рад этганда қўлланиладиган мажбурлов йўсинидаги чораларни қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланди.

Ёпиқ турдаги муассасаларида сақланаётган шахсларнинг яқин қариндошлари билан телефон сўзлашувлари, учрашувлари ва жўнатма қабул қилишлари сони қарийб икки баробарга кўпайтирилди.

Умумий тартибли муассасаларда жазо муддатини ўтаётган маҳкумларга йил мобайнида:

- олти марта қисқа муддатли ва олти марта узоқ муддатли учрашув;
- ўн икки марта телефон орқали сўзлашув;
- ўн иккита посылка ёки йўқлов;
- ўн иккита бандерол олиш ҳуқуқига эга бўлди.

Қаттиқ тартибли муассасаларда жазо муддатини ўтаётган маҳкумларга йил мобайнида:

- беш марта қисқа муддатли ва беш марта узоқ муддатли учрашув;
- саккиз марта телефон орқали сўзлашув;
- саккизта посылка ёки йўқлов;
- саккизта бандерол олиш ҳуқуқига эга бўлди.

Махсус тартибли муассасаларда жазо муддатини ўтаётган маҳкумларга йил мобайнида:

- тўрт марта қисқа муддатли ва тўрт марта узоқ муддатли учрашув;
- олти марта телефон орқали сўзлашув;
- олти посылка ёки йўқлов;
- олти бандерол олиш ҳуқуқига эга бўлди.

Турмаларда маҳкумлар ҳар куни муддати бир соатлик сайр қилиш ҳамда йил мобайнида:

- тўрт марта қисқа муддатли ва бир марта узоқ муддатли учрашув;
- тўрт марта телефон орқали сўзлашув;
- тўртта посилка ёки йўқлов;
- тўртта бандерол олиш ҳуқуқига эга бўлди.

Тарбия колонияларида маҳкумлар йил мобайнида:

- йигирма тўрт марта қисқа муддатли ва саккиз марта узоқ муддатли учрашув;
- йигирма тўрт марта телефон орқали сўзлашув;
- ўн иккита посилка ёки йўқлов;
- ўн иккита бандерол олиш ҳуқуқига эга бўлди. [4]

Маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишга ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришга тақдим этиш масаласини маъмурият томонидан қайта кўриб чиқиш жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг ёки жазони ижро этувчи органнинг жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни рад этиш ҳақидаги қарори чиқарилган кундан эътиборан уч ой ўтгач, башарти маҳкум белгиланган режимга ва меҳнатга виждонан муносабатда бўлса, амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги”га бағишланган йиғилишда “Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак”, деган туйғуни ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар онгида шакллантириш, бефарқлик, лоқайдликка барҳам бериш, пировардида ҳар бир оила, таълим муассасаси ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айланттириш, жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлашнинг муҳим шартидир” дея таъкидлаб ўтган. 5

Жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш борасидаги фаолиятда ечимини кутаётган хато ва камчиликлар ҳамда фойдаланилмаётган имкониятлар мавжуд.

Ўқув жараёнига замонавий инновацион педагогик технологияларини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда жазони ижро этиш тизимидаги таълим муассасаларининг фаолияти кенгайтирилди, хунарга эга бўлмаган маҳкумларни, биринчи навбатда вояга етмаганларни касбий тайёрлаш тизими такомиллаштирилди.

Жазони ижро этиш муассасаларида касби бўлмаган 1118 нафар маҳкум меҳнат бозорида талаб юқори бўлган хунарларга ўргатилиб, тегишли сертификатларга эга бўлди.

Вояга етмаган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган тарбия колониясида жазо муддтини ўтаётган тарбияланувчилар учун “В” тоифаси бўйича ҳайдовчилик курслари ташкил этилди. Ҳозирги кунга қадар вояга етмаган маҳкумлардан 25 нафари “В” тоифа бўйича ҳайдовчилик курсларига ўқитилиб, ҳайдовчилик гувоҳномаларига эга бўлди.

Энг асосийси, маҳкумлар ўртасида қонунларга итоаткорлик, шахсга, жамиятга, инсоний қадриятлар ва анъаналарга нисбатан ҳурматни шакллантириш, билим ва маданий даражасини оширишга қаратилган тарбиявий-профилактик ва тушунтириш ишлари кучайтирилди.

Бугун жиноятчиликка эмас, балки унинг сабабларига қарши курашиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ички ишлар органлари ходимлари ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш борасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириши зарур:

биринчидан, ташкилот ва корхоналарда, маҳаллаларда, ўқув юртларида, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда жиноят содир этилишини олдини олиш мақсадида кенг-қўламли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

иккинчидан, содир этилган жиноятларнинг асл омилларини аниқлаш;

учинчидан, ишсизларни тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ишга жойлаштириш чораларини кўриш;

тўринчидан, тунги вақтларда аҳоли яшаш пунктларининг ёритилиши ва видео кузатув қамровини кенгайтириш;

бешинчидан, алкоғолли ичимликка ружу қўйган, гиёҳванд, заҳарванд, тажовузкор руҳий касал шахсларни мажбурий даволаш бўйича ишларни самарали ташкил этиш;

олтинчидан, қотиллик аксарият ҳолларда оила ва оддий маиший муносабатлар замирида келиб чиқаётгани сабабли профилактика инспекторлари ҳамда инспектор психологлар билан биргаликда бириктирилган ҳудудида оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш;

еттинчидан, муқаддам судланган шахслар, маъмурий назоратга олинган шахслар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларни таъсирчан ўтказиш;

Хулоса ўрнида жиноятчини жазолаш эмас, олдини барвақт олиш даркор.

Эндиликда ички ишлар, прокуратура, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла ҳамда бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик учун омил бўлаётган ишсизлик, гиёҳвандлик, қаровсизлик, оилавий низолар ва шу каби бошқа иллатларнинг вақтида олдини олиш чораларини кўриши зарур. Шунингдек, умумийликдан қочиши, бунинг учун ягона мақсад сари интилиб, ҳамкорликда фаолият олиб бориши, ҳар бир муаммога аниқ режа асосида ёндашиш, ҳудудлардаги жиноятларнинг сабаблари, уларни аниқлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида аҳолига тушунтириш ва ҳисобот бериб бориши йўлга қўйилиши лозим.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони;
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси 2021;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 августдаги “Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3200-сон Қарори;
4. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 558-сон Қонуни;

5. Шавкат Мирзиёевнинг “Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги”га бағишланган йиғилишидаги нутқидан. 2021 йил ноябрь.
6. [http:// akadmvd.uz](http://akadmvd.uz) (Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси)
7. [http:// lex.uz](http://lex.uz) (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)
8. [http:// IIV JIED](http://IIVJIED) (Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖИЭД)